



18 октябрь 2017 й.г.

№ 849

Тошкент ш. – г. Ташкент

**Рангли металл парчалари ва чиқиндиларини тўплаш, топшириш ҳамда қайта ишлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида**

Рангли металл парчалари ва чиқиндиларини тўплаш, топшириш ҳамда қайта ишлаш тизимини янада такомиллаштириш, уларни тайёрлашни рағбатлантириш, хомашё ресурсларини қайта ишлаш ва самарали ишлатиш қувватларидан юқори даражада фойдаланишни таъминлаш, шунингдек замонавий корпоратив бошқарув услубларини фаол жорий қилиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. “Тошкент рангли металл парчалари, чиқиндиларини тайёрлаш ва қайта ишлаш заводи” АЖ акциядорларининг корхона номини “Ўзбекистон рангли металл парчалари, чиқиндиларини тайёрлаш ва қайта ишлаш заводи” АЖга (кейинги ўринларда “Ўзбекистон рангли металл” АЖ деб аталади) ўзгартириш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

Белгилансинки, “Ўзбекистон рангли металл” АЖ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Геология, ёқилғи-энергетика комплекси, кимё, нефть-кимё ва металлургия саноати масалалари комплекси таркибига кирад.

2. Қуйидагилар “Ўзбекистон рангли металл” АЖ нинг асосий вазифалари ва фаолият йўналишлари этиб белгилансин:

**биринчи** - Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ва унинг ташқарисида, жумладан рангли металл парчалари ва чиқиндилари мунтазам ҳосил бўладиган юридик шахслар билан фьючерс шартномалари, шунингдек “Ўзбекистон рангли металл” АЖга металл парчалари топширувчилардан рангли металл парчалари ҳамда чиқиндиларини тўплаш ва топшириш учун юридик шахслар билан топшириқ шартномаларини тузиш орқали рангли металл парчалари ва чиқиндиларини тайёрлаш ҳамда металл парчалари топширувчилардан қабул қилиш бўйича самарали тизимни ташкил этиш;

**иккинчи** - ишлаб чиқаришни янги турдаги маҳсулотлар тайёрлашни ўзлаштириш бўйича модернизациялаш ва диверсификациялаш, рангли металлларни қайта ишлайдиган замонавий, энергия тежайдиган технологиялар ҳамда ускуналарни жорий этиш, шунингдек хомашё базасини кенгайтириш;

**учинчи** - ишлаб чиқаришнинг барқарор ўсиш суръатларини таъминлаш, юқори қўшилган қийматга эга маҳсулотларнинг экспорт ҳажмларини, жумладан янги бозорларни ўзлаштириш ҳисобидан ошириш, ташқи бозорлардаги позицияларни мустаҳкамлаш;

**тўртинчи** - маҳсулот таннархини, хусусан, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш даражасини чуқурлаштириш, ишлаб чиқариш ва операция харажатларини мақбуллаштириш, товарлар ҳамда хизматлар импорти ҳажмларини қисқартириш ҳисобидан пасайтиришга доир аниқ мақсадли ишларни тизимли равишда амалга ошириш;

**бешинчи** - ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш жараёнларига инновация ишланмаларини жорий этиш, илм-фан ва ишлаб чиқаришнинг янада яқин алоқасини таъминлаш;

**олтинчи** - олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими ҳамда илмий муассасалар билан кооперация алоқаларини кучайтириш орқали муҳандис-техник ва бошқарув кадрлари малакасини ошириш, уларни қайта тайёрлашни ташкил этиш.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ғ.И.Ибрагимов ва “Ўзиккиламчиранглиметалл” АЖ бош директори Ф.Р.Абдуллаев зиммасига “Ўзиккиламчиранглиметалл” АЖ асосий вазифалари ва фаолияти йўналишларининг тўлиқ ҳамда сифатли бажарилиши юзасидан шахсий масъулият юклансин.

3. Қуйидагилар:

“Ўзиккиламчиранглиметалл” АЖнинг ташкилий тузилмаси 1-иловага мувофиқ;

“Ўзиккиламчиранглиметалл” АЖ ижро этувчи аппаратининг бошқарув ходимлари чекланган сони 77 нафардан иборат тузилмаси 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

“Ўзиккиламчиранглиметалл” АЖ акциядорлари умумий йиғилиши қарори билан “Ўзиккиламчиранглиметалл” АЖ ижро этувчи аппарати тузилмасига ўзгартиришлар киритилиши мумкинлиги маълумот учун қабул қилинсин.

4. Белгилаб қўйилсинки, “Ўзиккиламчиранглиметалл” АЖ бош директори акциядорлар умумий йиғилишида сайланади ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан лавозимга тайинланади.

5. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги “Ўзиккиламчиранглиметалл” АЖ (Ф.Р.Абдуллаев) билан биргаликда 2018-2020 йилларда “Ўзиккиламчиранглиметалл” АЖни ривожлантириш дастурини уч ой муддатда ишлаб чиқсин ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

6. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида рангли металл парчалари ва чиқиндиларини фақат “Ўзиккиламчиранглиметалл” АЖ тайёрлаши белгилаб қўйилсин.

7. “Ўзиккиламчиранглиметалл” АЖга:

юримдик ва жисмоний шахслар билан топширилган синик парчалар учун металл парчалари топширувчилар томонидан рангли металл парчалари ҳамда чиқиндилари топширилишини рағбатлантирувчи эркин (шартномавий) нархлар бўйича ҳисоб-китоб қилиш;

юримдик ва жисмоний шахсларга халқ хунармандчилиги ва амалий санъатни ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш учун рангли металл парчалари ҳамда чиқиндиларини сотишга руҳсат берилсин.

8. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари раҳбарлари, шунингдек ташкилий-ҳуқуқий шакли ҳамда идоравий мансублигидан қатъи назар, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланадиган юридик шахсларга рангли металл парчалари ва чиқиндиларини тўплаш, сақлаш, улардан фойдаланиш ҳамда “Ўзиккиламчиранглиметалл” АЖга топшириш бўйича шахсий жавобгарлик юклансин.

9. Қуйидагиларнинг эркин (шартномавий) нархда “Ўзиккиламчиранглиметалл” АЖга мажбурий тартибда топширилиши белгилаб қўйилсин:

таркибида рангли металллар бўлган, ташкилий-ҳуқуқий шаклидан қатъи назар корхоналарда банкротлик жараёнларини ўтказиш, уларни тугатиш, реконструкция қилиш ҳамда модернизациялаш давомида ҳисобдан чиқариладиган жисмонан ва маънан эскирган ускуналар;

барча турдаги электр двигателлар, трансформаторлар, автотранспорт воситалари, электрон ва маиший техникани таъмирлаш ҳамда уларга сервис хизматлари кўрсатадиган ташкилотларнинг хўжалик-ишлаб чиқариш фаолиятида ҳосил бўладиган рангли металл парчалари ва чиқиндилари.

10. “Ўзиккиламчиранглиметалл” АЖ (Ф.Р.Абдуллаев), “Ўзметкомбинат” АЖ (А.Х.Хурсанов) Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги (Д.Д.Асамов) топширилган қора ва рангли металл парчалари ҳамда чиқиндиларини тайёрлаш, сақлаш ҳамда улар учун ҳисоб-китоб қилиш тартибини такомиллаштиришга доир тақлифларни 15 кун муддатда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги (П.Р.Бобожонов):

Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси (М.В.Тоҳирӣ) билан биргаликда ишлаб чиқариш-техник, маиший ва бошқа буюмлар парчалари ҳамда рангли металл чиқиндиларининг республика ташқарисига ноқонуний олиб чиқилишининг олдини олиш бўйича доимий равишда тезкор тадбирлар ўтказсин;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, шаҳар ва туманлар ҳокимликлари, “Ўзиккиламчиранглиметалл” АЖ (Ф.Р.Абдуллаев), Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси (Б.Р.Парпиев) билан биргаликда:

таркибида рангли металллар бўлган ускуналар, парчалар ва чиқиндиларни қабул қиладиган ноқонуний пунктлар фаолият кўрсатиши, шунингдек юридик ва жисмоний шахсларнинг уларни тўплаш, тайёрлаш, сақлаш, фойдаланиш ҳамда топшириш бўйича ноқонуний фаолиятига чек қўйиш;

ташкilotлар, муассасалар, қурилиш майдонлари ва бошқа объектларда таркибида рангли металллар бўлган ускуналар, парчалар ва чиқиндиларни, шу жумладан қабристонлардаги рангли металллардан тайёрланган ёдгорликлар ҳамда панжараларнинг ўғирланиши, уларга зарар етказилиши ва ноқонуний муомалада бўлишининг олдини олиш;

аҳоли ўртасида рангли металл парчалари ва чиқиндиларининг муамолада бўлиш тартиби, шунингдек уларни ўғирлаш, ноқонуний тайёрлаш ва республика ташқарисига контрабанда йўли билан олиб чиқиб кетиш учун жавобгарлик чоралари ҳақида профилактика ишлари бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирларни кучайтирсин.

12. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси (Б.Р.Парпиев) ишлаб чиқариш-хўжалик фаолиятида рангли металл парчалари ва чиқиндилари ҳосил бўладиган тадбиркорлик субъектларининг молиявий-хўжалик фаолиятини режа асосида мувофиқлаштирилган текширувларни белгиланган тартибда ўтказишда хўжалик субъектлари томонидан рангли металл парчалари ҳамда чиқиндиларининг муамолада бўлиш тартибига риоя этилишини ўрганиш учун “Ўзиккиламчиранглиметалл” АЖ мутахассисларини мажбурий тартибда жалб қилсин.

13. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги рангли металллар, уларнинг парчалари ва чиқиндиларини тайёрлаш, сотиб олиш, фойдаланиш ҳамда сотиш тартиби бузилишининг олдини олиш ва бунга қарши курашиш бўйича амалга оширилаётган ишларнинг мазмун-моҳиятини аҳоли ўртасида мунтазам ёритилишини таъминласинлар.

14. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги Адлия вазирлиги ва бошқа манфаатдор вазирликлар, идоралар билан биргаликда қонунчиликка ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартиришлар ва қўшимчалар ҳақидаги таклифларни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига бир ой муддатда киритсин.


15. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ғ.И.Ибрагимов ва “Ўзиккиламчиранглиметалл” АЖ бош директори Ғ.Р.Абдуллаев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири



А. Арипов

“Ўзбекиламчиранглиметалл” АЖнинг ташкилий тузилмаси



**Ишлаб чиқариш бўлиналари\*:**


1. Рангли металл парчалари ва чиқиндиларига бирламчи ишлов бериш цехи
2. Алюминий қотишмалар ишлаб чиқариш цехи
3. Мис асосидаги қотишмалар ва буюмлар ишлаб чиқариш цехи
4. Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш цехи
5. Қўрғошин қотишмалари ва буюмлар ишлаб чиқариш цехи
6. Ишлаб чиқариш-синов лабораторияси

**Худудий (тайёрлов) бўлиналари\*:**

- |   |                           |
|---|---------------------------|
| 1. Қорақалпоғистон Республикаси филиали | 14. Яшнобод участкаси     |
| 2. Андижон филиали                      | 15. Олмазор участкаси     |
| 3. Бухоро филиали                       | 16. Сергели участкаси     |
| 4. Жиззах филиали                       | 17. Юнусобод участкаси    |
| 5. Қашқадарё филиали                    | 18. Ғиждувон участкаси    |
| 6. Қўқон филиали                        | 19. Каттақўрғон участкаси |
| 7. Навоий филиали                       | 20. Ангрен участкаси      |
| 8. Наманган филиали                     | 21. Олмалик участкаси     |
| 9. Самарқанд филиали                    | 22. Чирчиқ участкаси      |
| 10. Сурхондарё филиали                  | 23. Янгийўл участкаси     |
| 11. Сирдарё филиали                     | 24. Бекобод участкаси     |
| 12. Фарғона филиали                     |                           |
| 13. Хоразм филиали                      |                           |

\*) Юридик шахс мақомига эга бўлмаган бўлиналар.

**“Ўзбекиламчиранглиметалл” АЖ ижро этувчи аппаратининг тузилмаси**



Бошқарув ходимларининг чекланган умумий сони, ички аудит хизматини ҳисобга олган ҳолда – 77 нафар.



„18“ октября 2017 й. г. № 849

Тошкент ш. – г. Ташкент

**О мерах по совершенствованию системы сбора,  
сдачи и переработки лома и отходов цветных металлов**

В целях дальнейшего совершенствования системы сбора, сдачи и переработки лома, отходов цветных металлов, стимулирования их заготовки, обеспечения максимальной загрузки мощностей по переработке и эффективного использования сырьевых ресурсов, а также активного внедрения современных методов корпоративного управления **Кабинет Министров постановляет:**

1. Принять предложение акционеров АО «Ташкентский завод по заготовке и переработке лома, отходов цветных металлов» о его переименовании в АО «Узбекский завод по заготовке и переработке лома, отходов цветных металлов» (далее – АО «Узвторцветмет»).

Установить, что АО «Узвторцветмет» входит в состав Комплекса Кабинета Министров Республики Узбекистан по вопросам геологии, топливно-энергетического комплекса, химической, нефтехимической и металлургической промышленности.

2. Определить основными задачами и направлениями деятельности АО «Узвторцветмет»:

**первое**, организацию эффективной системы заготовки и приема лома и отходов цветных металлов от ломосдатчиков как на территории Республики Узбекистан, так и за её пределами, в том числе путем заключения фьючерсных договоров с юридическими лицами, имеющими регулярное образование лома и отходов цветных металлов, а также договоров поручения с юридическими лицами на сбор и сдачу в АО «Узвторцветмет» лома и отходов цветных металлов от ломосдатчиков;

**второе**, осуществление модернизации и диверсификации производства, направленных на освоение новых видов продукции, внедрение современных энергосберегающих технологий и оборудования по переработке цветных металлов, а также расширение сырьевой базы;

**третье**, обеспечение устойчивых темпов роста производства, увеличение объёмов экспорта продукции с высокой добавленной стоимостью, в том числе за счет освоения новых рынков, укрепление позиций на внешних рынках;

**четвертое**, проведение на системной основе целенаправленной работы по снижению себестоимости продукции, в том числе за счет углубления локализации

производства комплектующих деталей и материалов, оптимизации производственных и операционных затрат, сокращения объемов импорта товаров и услуг;

**пятое,** внедрение в процессы модернизации, технического и технологического обновления производства инновационных разработок, обеспечение более тесной связи науки и производства;

**шестое,** организацию повышения квалификации инженерно-технических и управленческих кадров, их переподготовку путем усиления кооперации с высшими и средними специальными, профессиональными образовательными и научными учреждениями.

Возложить на заместителя Премьер-министра Республики Узбекистан Ибрагимов Г.И. и генерального директора АО «Узвторцветмет» Абдуллаева Ф.Р. персональную ответственность за полноценное и качественное выполнение основных задач и направлений деятельности АО «Узвторцветмет».

3. Одобрить:

организационную структуру АО «Узвторцветмет» согласно приложению № 1;

структуру исполнительного аппарата АО «Узвторцветмет» с предельной численностью управленческого персонала в количестве 77 единиц согласно приложению № 2;

Принять к сведению, что решением общего собрания акционеров АО «Узвторцветмет» могут вноситься изменения в структуру исполнительного аппарата АО «Узвторцветмет».

4. Определить, что генеральный директор АО «Узвторцветмет» избирается общим собранием акционеров и утверждается в должности Кабинетом Министров Республики Узбекистан.

5. Министерству экономики Республики Узбекистан совместно с АО «Узвторцветмет» (Абдуллаев Ф.Р.) в трехмесячный срок разработать и внести в Кабинет Министров Республики Узбекистан Программу развития АО «Узвторцветмет» на 2018-2020 годы.

6. Установить, что на территории Республики Узбекистан заготовку лома и отходов цветных металлов осуществляет только АО «Узвторцветмет».

7. Разрешить АО «Узвторцветмет»:

осуществлять расчеты за сданный юридическими и физическими лицами лом по свободной (договорной) цене, стимулирующей сдачу лома, отходов цветных металлов для ломосдатчиков;

реализацию юридическим и физическим лицам лома и отходов цветных металлов для поддержки развития народных промыслов и прикладного искусства.

8. Возложить на Председателя Совета Министров Республики Каракалпакстан, хокимов областей и г. Ташкента, руководителей органов государственного и хозяйственного управления, а также юридических лиц, занимающихся предпринимательской деятельностью, независимо

от организационно-правовой формы и ведомственной принадлежности, персональную ответственность за сбор, хранение, использование лома, отходов цветных металлов и сдачу их АО «Узвторцветмет».

9. Установить, что в обязательном порядке подлежат сдаче АО «Узвторцветмет» по свободной (договорной) цене:

физически и морально устаревшее оборудование, содержащее цветные металлы, списываемое в ходе проведения процедуры банкротства, ликвидации, реконструкции и модернизации предприятий, независимо от их организационно-правовой формы;

лом и отходы цветных металлов, образующиеся в хозяйственно-производственной деятельности организаций, оказывающих услуги по сервисному обслуживанию и ремонту всех видов электрических двигателей и трансформаторов, автотранспортных средств, электронной и бытовой техники.

10. АО «Узвторцветмет» (Абдуллаев Ф.Р.), АО «Узметкомбинат» (Хурсанов А.Х.) совместно с Министерством экономики Республики Узбекистан (Асамов Д.Д.) в 15-дневный срок внести в Кабинет Министров Республики Узбекистан предложения о совершенствовании порядка заготовки, хранения, сохранности и проведения взаиморасчетов за сдаваемый лом и отходы черных и цветных металлов.

11. Министерству внутренних дел Республики Узбекистан (Бобожонов П.Р.) совместно с:

Государственным таможенным комитетом Республики Узбекистан (Тохирий М.В.) осуществлять на постоянной основе оперативные мероприятия по предотвращению незаконного вывоза лома изделий производственно-технического, бытового и другого назначения и отходов цветных металлов за пределы республики;

Советом Министров Республики Каракалпакстан, хокимиятами областей, городов и районов, АО «Узвторцветмет» (Абдуллаев Ф.Р.) и Государственным налоговым комитетом Республики Узбекистан (Парпиев Б.Р.) усилить принимаемые меры по:

пресечению функционирования нелегальных пунктов приема оборудования, лома и отходов, содержащих цветные металлы, а также незаконной деятельности юридических и физических лиц по их сбору, заготовке, хранению, использованию и сдаче;

предотвращению попыток хищений, повреждений и незаконного оборота оборудования, лома и отходов, содержащих цветные металлы, в организациях, учреждениях, строительных площадках и других объектах, в том числе намогильных памятников и оград из цветных металлов на кладбищах;

проведению среди населения профилактической работы по разъяснению порядка оборота лома и отходов цветных металлов, а также о мерах ответственности за их хищение, нелегальную заготовку и контрабандный вывоз за пределы республики.

12. Государственному налоговому комитету Республики Узбекистан (Парпиев Б.Р.) при проведении в установленном порядке плановых координационных проверок финансово-хозяйственной деятельности субъектов предпринимательства, в хозяйственно-производственной деятельности которых образуются лом и отходы цветных металлов, в обязательном порядке привлекать специалистов АО «Узвторцветмет» для изучения соблюдения хозяйствующими субъектами порядка оборота лома и отходов цветных металлов.

13. Национальному информационному агентству Узбекистана, Национальной телерадиокомпании Узбекистана, Узбекскому агентству по печати и информации обеспечить регулярное освещение среди населения сути и содержания проводимой работы по предупреждению и борьбе с нарушениями порядка заготовки, приобретения, использования и сбыта цветных металлов, их лома и отходов.

14. Министерству экономики Республики Узбекистан совместно с Министерством юстиции и другими заинтересованными министерствами и ведомствами в месячный срок внести в Кабинет Министров Республики Узбекистан предложения об изменениях и дополнениях в законодательство, вытекающих из настоящего постановления.


15. Контроль за исполнением настоящего постановления возложить на Заместителя Премьер-министра Республики Узбекистан Ибрагимов Г.И. и генерального директора АО «Узвторцветмет» Абдуллаева Ф.Р.

**Премьер-министр  
Республики Узбекистан**



**А. Арипов**

## Организационная структура АО «Узвотцветмет»



\* ) Подразделения без статуса юридического лица.



### Структура исполнительного аппарата АО «Узворцветмет»

